

Оммавий рағбатлантиришдан рақамли солиқ маъмуриятчилигига: Солиқ кешбэки механизмини такомиллаштиришнинг замонавий ёндашувлари

Сўнгги йилларда солиқ маъмуриятчилигини рақамли трансформация қилиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Солиқ интизомини таъминлашга қаратилган янги инструментлар — электрон ҳисобварақ-фактуралар, онлайн назорат-касса машиналари, товарлар ва хизматларни идентификация қилиш, айрим товар турларини рақамли маркировкалаш ҳамда бошқа автоматлаштириш воситалари жорий этилди.

Онлайн НКМ, идентификация кодлари каби автоматлаштирилган тизимлар шаклланишининг дастлабки босқичида энг муҳим инструментлардан бири харидорларни фискал чек талаб қилишга рағбатлантиришга қаратилган харид қийматининг бир қисмини қайтариш, яъни солиқ кешбэки механизми бўлди.

Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан харид қийматининг 1 фоизини қайтариш орқали фуқароларни амалда жамоатчилик назоратига жалб этди ҳамда ҳар бир харидни расмий рўйхатдан ўтказишда моддий манфаатдорликни шакллантирди.

Солиқ кешбеки, аввало, солиқ маданиятини шакллантиришга қаратилган вақтинчалик инструмент сифатида баҳоланиши лозим. Унинг асосий вазифаси харидорларда касса чекларини олишга қизиқиш уйғотиш ва шу орқали ҳисоб-китобларни янада шаффоф қилишдан иборат эди. Бундай хулқ-атвор модели одатий амалиётга айлангандан сўнг, оммавий пулли рағбатлантиришга бўлган эҳтиёж босқичма-босқич камаяди.

Онлайн кассаларни жорий этиш босқичида давлат шаклланган амалиётни ўзгартириш заруратига дуч келди. Чунки бундай амалиётда харидорлар кўп ҳолларда касса чекларини талаб қилмас, сотувчилар эса нақд тушумнинг бир қисмини яшириш имкониятига эга эди.

Харидорларни моддий рағбатлантириш бир нечта вазифаларни ҳал этиш имконини берди:

фискал чек олиш одатини шакллантириш ва аҳолини жамоатчилик назорати тизимига жалб этиш;


чакана савдонинг шаффофлигини ошириш орқали яширин айланмани қисқартириш учун шарт-шароит яратиш;

реал вақт режимида солиқ органларига келиб тушадиган солиқ маълумотлари ҳажмини ошириш.

Қолаверса, давлат бюджети ҳисобидан ажратиладиган ҳар бир сўм аниқ иқтисодий ёки ижтимоий самара бериши лозим. Агар давлат харажатлари белгиланган мақсадга эришишни таъминламай қўйса, амалда қўлланилаётган механизмларни қайта кўриб чиқиш зарурати юзага келади. Солиқ кешбеки механизмнинг самарадорлиги ҳам айнан шу нуқтаи назардан баҳоланиши лозим.

Солиқ кешбеки механизми самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири уни молиялаштириш учун давлат бюджети ҳисобидан йўналтирилаётган маблағларнинг солиқ тушумларига таъсирини аниқлаш ҳисобланади. Рўйхатдан ўтказилаётган фискал чеклар сони ортиши билан бир қаторда, солиқ кешбекини тўлаш учун давлат бюджети харажатлари ҳам ўсиб бормоқда.

1-расм. Солиқ кешбеки учун давлат бюджети харажатлари, 2022–2026 йиллар



*2026 йил прогнози январь–май ойларида тўланган кешбек суммаси асосида ҳисобланган.

1-расмдан кўринадики, солиқ кешбекини тўлаш учун давлат бюджети харажатлари барқарор ўсиш тенденциясига эга. Хусусан, 2022 йилда кешбек тўловлари ҳажми 820 млрд сўмни ташкил этган бўлса, 2026 йил учун прогноз кўрсаткичларига кўра, ушбу маблағ

1,8 трлн.сўмга етиши мумкин. Бундай динамика давлат бюджетига тушаётган юклама ортиб бораётганини кўрсатади ҳамда оммавий рағбатлантириш механизмини келгусида молиялаштириш самарадорлигини баҳолаш масаласини долзарблаштиради.

Маълумот учун: 2026 йилда мактабгача таълим ташкилотлари қурилиши учун давлат бюджети ҳисобидан 900 млрд.сўм маблағ ажратиш режалаштирилган.

Кешбек натижадорлигини баҳолашда бюджет харажатлари динамикасини солиқ тушумларидаги ўзгаришлар билан таққослаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигининг билвосита кўрсаткичларидан бири сифатида айланмадан олинадиган солиқ тушумлари динамикасини келтириш мумкин. Ушбу кўрсаткичлар динамикаси 2-расмда келтирилган.

2-расм. Айланмадан олинадиган солиқ тушумлари динамикаси, 2021–2025 йиллар



Келтирилган маълумотлар айланмадан олинадиган солиқ тушумлари ижобий ўсиш динамикаси сақланиб қолаётган бўлсада, ўсиш суръатлари кешбек жорий этилишининг дастлабки йилига нисбатан секинлашиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бу эса солиқ кешбеки учун давлат бюджети харажатларининг ўсиб бориши солиқ тушумларининг мутаносиб равишда ортиши билан бирга кечмаётганини англатади.

Умумий солиқ кешбекидан фарқли равишда, ижтимоий реестрга киритилган шахсларга ижтимоий аҳамиятга эга товарларни харид

қилишда қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш манзилли ижтимоий хусусиятга эга. Унинг асосий мақсади - истеъмолчиларнинг муайян хатти-ҳаракатини рағбатлантириш эмас, балки аҳолининг энг эҳтиёжманд қатламлари учун солиқ юкни камайтириш ҳамда билвосита солиққа тортиш тизимининг ижтимоий адолатлилигини оширишдан иборат.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, оммавий кешбек механизми қатор объектив чекловларга эга.

Биринчидан, мазкур механизмнинг амал қилиши давлат бюджети ҳисобидан доимий молиялаштиришни талаб этади. Рўйхатдан ўтказилган фискал чеклар сони ортиши билан бир қаторда, давлат бюджети харажатлари ҳам муттасил кўпайиб боради.

Иккинчидан, харидорларда фискал чек талаб қилиш бўйича барқарор одат шакллангандан кейин, қўшимча моддий рағбатлантириш уларнинг хатти-ҳаракатига тобора камроқ таъсир кўрсатади. Натижада давлат фуқаролар аллақачон мустақил равишда амалга ошираётган ҳаракатларни молиявий жиҳатдан рағбатлантиришда давом этади.

1-жадвал. 2026 йил май ойида чеклар сони ва ҳисобланган солиқ кешбеки суммаси бўйича ТОП–10 савдо брендлари

№	Бренд номи	Чеклар сони (минг дона.)	Кешбек суммаси (млн.сўм)	Жами тўланган кешбекдаги улуши (%)
1	Korzinka	6 870	9 408,9	6,4
2	Olma	2 635	1 200,4	0,8
3	Havas	2 438	1 239,2	0,8
4	Safia	748	820,0	0,6
5	Makro	506	336,5	0,2
6	KFC	407	453,3	0,3
7	EVOS	388	292,9	0,2
8	UNG PETRO	384	824,0	0,6
9	Afsonalar vodiysi	375	761,0	0,5
10	Cheese Day	373	349,4	0,2
x	Жами	15 124	15 685,6	10,7

Бундан ташқари, бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган рағбатлантиришнинг салмоқли қисми иқтисодиётнинг расмий секторида фаолият юритаётган йирик солиқ тўловчиларда амалга оширилган

харидларга тўғри келади. Натижада давлат бюджети амалда солиқ кешбеки мавжуд бўлмаган тақдирда ҳам амалга оширилиши муқаррар бўлган операцияларни субсидияламоқда.

2026 йил май ойида харидорларга тўланган солиқ кешбекининг умумий суммаси 146,6 млрд сўмни ташкил этган бўлиб, шундан Топ-10 савдо тармоғига тўғри келадиган солиқ кешбеки 15,7 млрд сўмни, яъни жами тўланган солиқ кешбекининг 10,7 фоизини ташкил этган.

Учинчидан, солиқ тизимининг узоқ муддатли самарадорлиги қонунчилик талабларига риоя этганлик учун доимий моддий рағбатлантириш орқали эмас, балки иқтисодий операцияларнинг шаффофлиги, рақамлаштириш даражасининг юқорилиги ҳамда қонунбузилишларнинг муқаррар аниқланиши ҳисобига таъминланиши лозим.

Шу сабабли бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган рағбатлантиришни солиқ интизоми ва солиқ маданиятини шакллантиришга хизмат қилувчи **вақтинчалик восита** сифатида қараш мақсадга мувофиқ.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, солиқ қонунчилигига ихтиёрий риоя қилиш даражасини барқарор оширишга, асосан, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш орқали эришилади.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) ҳамда Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) томонидан тавсия этилаётган ёндашувлар қуйидаги асосий тамойилларга асосланади:

- рискка асосланган солиқ назоратини жорий этиш;
- аълумотларни автоматик алмашиш тизимини йўлга қўйиш;
- катта ҳажмдаги маълумотлар (Big Data) таҳлилидан фойдаланиш;
- солиқ мажбуриятларини бажариш жараёнларини соддалаштириш;
- онлайн назорат-касса машиналари ва электрон ҳисобварақ-фактуралардан фойдаланишни ўз ичига олган ҳолда солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш;
- солиқ маъмуриятчилиги сифатини янада ошириш.

Таъкидлаш жоизки, харидорларни касса чекларини олганлиги учун пул маблағлари билан рағбатлантириш амалиёти халқаро тажрибада солиқ

сиёсатининг универсал ёки узоқ муддатли инструменти сифатида деярли қаралмайди.

Бу, энг аввало, қонунчилик талабларига барқарор риоя қилиниши доимий бюджет рағбатлантириши ҳисобига эмас, балки қонунбузилишларнинг юқори эҳтимол билан аниқланиши, хўжалик операцияларининг шаффофлиги ва самарали рақамли инфратузилманинг мавжудлиги орқали таъминланиши билан изоҳланади.

Сўнги йилларда солиқ органларининг технологик имкониятлари сезиларли даражада кенгайди.

Замонавий ахборот тизимлари онлайн назорат-касса машиналари, электрон ҳисобварақ-фактуралар, товарларни рақамли маркировкалаш, божхона маълумотлари ҳамда солиқ органларига келиб тушаётган бошқа ахборотларни автоматик тарзда ўзаро солиштириш имконини бермоқда.

Катта ҳажмдаги маълумотларни (Big Data) таҳлил қилиш технологияларидан фойдаланиш эса назорат жараёнида харидорларнинг доимий иштирокисиз ҳам солиқ хавфларини аниқлаш имконини яратмоқда.

Рақамли инфратузилманинг ривожланиши билан солиқ кешбеки механизмининг дастлабки вазифаси босқичма-босқич ўз аҳамиятини йўқотмоқда. Чунки солиқ назорати тобора автоматлаштирилган тарзда амалга оширилмоқда.

Шунингдек, электрон тижорат ва рақамли платформаларнинг жадал ривожланиши ҳам муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Маркетплейслар ва бошқа рақамли платформалар орқали амалга оширилаётган товар айланмаси йил сайин ортиб бормоқда.

Анъанавий чакана савдодан фарқли равишда, маркетплейслар фаолияти рақамли шаффофликнинг анча юқори даражаси билан ажралиб туради.

Бундай платформаларда амалга ошириладиган ҳар бир операция электрон тўловлар, сотувчи ва харидорнинг идентификацияси, товар, етказиб бериш ҳамда ҳисоб-китобларга оид маълумотлар билан бирга қайд этилади. Бу эса ҳар бир хўжалик операцияси бўйича узлуксиз рақамли изни шакллантириш имконини беради.

Рақамли платформаларнинг давлат ахборот тизимлари билан интеграция қилиниши бюджет маблағлари ҳисобидан рағбатлантириш

механизмларини қўлламасдан туриб ҳам солиқ назорати самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Солиқ органларида автоматлаштириш даражасининг ортиши, солиқ маъмуриятчилиги тизимининг такомиллашиши ҳамда солиқ назоратида рискка асосланган ёндашувнинг жорий этилишини ҳисобга олган ҳолда, фискал чекларни олишни оммавий рағбатлантириш амалиётидан босқичма-босқич воз кечиб, янада манзилли рағбатлантириш чораларига ўтиш таклиф этилади.

Бундай йўналишлардан бири сифатида солиқ хавфи юқори бўлган соҳаларда (умумий овқатланиш корхоналари, кичик чакана савдо объектлари ва бошқалар) фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларининг фискал чекларини рўйхатдан ўтказган харидорлар ўртасида давлат лотереяларини ташкил этиш таклиф этилади.

Бундай ёндашув аҳолининг айнан тушумларни яшириш эҳтимоли юқори бўлиб қолаётган соҳаларда фискал чекларни олишга бўлган қизиқишини сақлаб қолиш имконини беради.

Моҳиятан, «ҳар бир чек рағбатлантирилади» тамойилидан «иқтисодиётнинг энг юқори хавфга эга сегментларидаги назорат рағбатлантирилади» тамойилига ўтиш таклиф этилмоқда.

Бунда давлат томонидан кўрсатиладиган қўллаб-қувватлаш янада манзилли тус олади, давлат бюджети харажатлари эса сезиларли даражада қисқаради.

Институт ҳисоб-китобларига кўра, йирик қийматга эга пул ва қимматбаҳо совринлар (автомобиллар, туристик йўлланмалар ҳамда қиймати 5 млн сўмдан юқори бўлган бошқа қимматбаҳо совринлар) ўйналадиган давлат лотереяларини ташкил этиш учун 100 млрд сўмгача маблағ йўналтириш етарли бўлади. Бу эса мазкур механизмни молиялаштириш учун давлат бюджети харажатларини қарийб **20 баробарга** қисқартириш имконини беради.

Шу билан бирга, оммавий кешбек механизмидан айрим ҳолларда инсофсиз мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Хусусан, айрим ҳолларда товарлар амалда реализация қилинмаган бўлса-да, давлат бюджети ҳисобидан кешбек олиш мақсадида фақатгина

сохта ҳисоб-китоб операцияларини расмийлаштириш орқали фискал чекларни шакллантириш схемалари кузатилмоқда.

Бундай ҳаракатлар давлат бюджети маблағларининг асоссиз сарфланишига олиб келади, ноқонуний манфаат олиш учун шароит яратади ҳамда давлат томонидан кўрсатилаётган қўллаб-қувватлаш механизмларининг самарадорлигини пасайтиради.

Солиқ назоратининг аналитик инструментлари янада ривожланиб бориши натижасида бундай схемалар онлайн назорат-касса машиналари, товарлар ҳисоби, электрон ҳисобварақ-фактуралар, тўлов тизимлари ҳамда бошқа давлат ахборот ресурслари маълумотларини ўзаро солиштириш орқали автоматик тарзда аниқланиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, солиқ кешбеки замонавий солиқ маъмуриятчилиги тизимининг шаклланишида муҳим ўрин тутди. Мазкур механизм орқали фискал чекларни олиш маданиятини шакллантириш, чакана савдонинг шаффофлигини ошириш ҳамда фуқароларни жамоатчилик солиқ назорати жараёнига жалб этишга эришилди.

Бироқ рақамли иқтисодиётнинг изчил ривожланиши давлат сиёсати инструментларига қўйиладиган талабларни объектив равишда ўзгартирмоқда.

Онлайн назорат-касса машиналари, электрон ҳисобварақ-фактуралар, товарларни рақамли маркировкаш, маркетплейслар, катта ҳажмдаги маълумотлар ҳамда сунъий интеллектдан фойдаланиш кўламининг кенгайиши оммавий бюджет рағбатлантиришини доимий равишда қўллаш заруратсиз ҳам солиқ интизомининг юқори даражасини таъминлаш имконини бермоқда.

Бундай шароитда универсал солиқ кешбеки механизмдан рискка асосланган солиқ назорати, манзилли рағбатлантириш механизмлари ҳамда хўжалик фаолиятининг рақамли шаффофлигига асосланган интеллектуал солиқ маъмуриятчилиги моделига ўтиш солиқ тизими ривожланишининг мантиқий давоми ҳисобланади.

Айнан шундай трансформация давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, яширин иқтисодиётга қарши курашни кучайтириш ҳамда замонавий солиқ тизимини янада такомиллаштириш имконини беради.